O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 5 январь ШАНБА
№ 1 (12.012)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Президент арчаси

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Ҳар йили Янги йил байрами кезлари бутун мамлакатимиз бўйлаб "Президент арчаси" шодиёналарининг ўтказилиши хайрли анъанага айланиб қолди. Айниқса, кичкинтойларга шахсан Юртбошимиз номидан совғалар берилиши мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишларига қаратилган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.**

"Президент арчаси" томошалари вилоятимизда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Янги йил арафасида "Қумовул" қишлоғидаги вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида безатилган улкан арча атрофида вилоятимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари жамулжам бўлдилар.

Болажонларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов самимий қутлар экан, Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги, яратилаётган шарт-шароитларнинг ҳамма-ҳаммаси фарзандлар бахту камолига хизмат қилажагини таъкидлади. Кичкинтойларнинг ҳар бирига Президентимиз номидан совғалар улашилди.

– Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида вилоятимиздаги бир қатор меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, шарт-шароитлар яхшиланди, – дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйи раҳбари Фарида Кенжабоева. – Бу ғамхўрлик болажонларимизнинг рисоладагидек таълим-тарбия олишлари, мароқли ҳордиқ чиқаришлари, саломатликларини мустаҳкамланиши, бир сўз билан айтганда, баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан Меҳрибонлик уйимизга "Исузи" автобусининг туҳфа этилиши биз учун чинакам йил совғаси бўлди.

Арча атрофидаги шодиёна "Маънавият ва маърифат" марказининг катта саройи саҳнасида давом этди. Болажонлар учун севимли ва қадрдон бўлган Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган дастур болажонларга ниҳоятда манзур бўлди. Таниқли эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади.

Шукуҳли байрам шодиёналари вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
байрам шодиёналаридан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**










## ЯНГИ ЙИЛ РУҲИ

**Ҳосиятли ишлар бошланаётганлигини ҳис қилсанг, кўнглинг ёришади. Тарбиячи Феруза Аҳмедова йилнинг биринчи тонгини кўнгли ёришиб кутиб олди.**

– Чунки бу йилдан умидимиз катта, – дейди у. – Биз ёрқин орзулар билан Ёшлар йилига кириб келдик. Унинг ҳар бир йигит-қиз учун хайрли, унумли ва самарали бўлишига, мақсадларимиз рўёбга чиқишига Юртбошимиз кафолат бердилар. Ахир, ёшлар учун бундан зиёд имконият борми?!

Феруза Ангрендаги 28-умумий ўрта таълим мактабида ишлайди. Энди йигирма ёшини нишонлаган бу қиз педагоглар жамоасида аллақачон ўз касбини севувчи, ғайратли ва ташаббускор тарбиячи сифатида танилиб улгурган. Қачон қараманг, у ота-оналар билан бевосита алоқа ўрнатиб, болаларнинг вақтини тўғри ташкил этиш, айрим ўқувчилар учун қўшимча машғулотларни йўлга қўйиш ҳаракатида. Унинг ғайрати билан мактабда ҳам, маҳаллада ҳам тўгараклар ташкил этилган. Қизларга каштачилик, тикувчилик, тўқувчилик, бисер ва зарли тикиш усулларини ўргатади. Куйди-пишди, жамоатчи қиз.

Феруза вилоятимизнинг катта ҳаёт йўлига дадил қадамлар билан кириб келаётган ўн минглаб ғайрат-шижоатли ёшларидан бири. Улар учун мустақиллик, янгиланиш шунчаки сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар эмас, балки ўзликни англаш, она-Ватанга садоқат билан хизмат қилишга тайёрланиш, ўз тақдирларини яратиш имкониятидир. Бугун Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган сиёсат – бунинг кафолати.

Президент сайловчилар билан бўлган учрашув чоғида мустақиллик йилларида шу сиёсат туфайли ўзини тўла намоён этган, янгиланаётган ҳаётимизда ўз бахти-тахтини топган оддий инсонлар номини тилга олди. Қалмоққир кони экскаваторчилари Жонсаид Турдиев, Саидали Раҳмонов, фермер Малик Каримов, шифокор Лидия Чижова, таниқли спортчилар Рустам Саидов, Дилшод Мансуров ва бошқа кўплаб замондошларимиз янги авлод учун Ватан истиқболини кўзлаб меҳнат қилиш намунаси бўлиб қолди. Ўз ҳаётини шу муқаддас замин билан, унинг бугунги яратувчилик ишлари ва эртанги истиқболи билан боғлаб, вилоятимизда юз бераётган катта-катта ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётган замондошларимизни Ватан муносиб тақдирламоқда.

– Корхонамиз мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришга салмоқли ҳисса қўшаётир, – деди Янги йил арафасида "Меҳнат шуҳрати" орденини қабул қилиб олаётган пайтида "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат қуйиш цехи бошлиғи Марат Валиев, – Ўзбеклар ва руслар, қозоқлар ва корейслар, тожик ва татарлар, украин ва белоруслар бири бирига устоз бўлиб, бири бирига шогирд тушиб меҳнат қилаётган жамоамиз билан фахрланаман.

Инсонни муҳит тарбиялайди дегани шу эмасми? Бугун, "Оҳангароншифер", "Аммофос" ёки "ОКМК" акциядорлик жамиятларида, вилоятимиз туманларидаги кўплаб деҳқон-фермер уюшмаларида шундай маънавий муҳит шаклландики, у одамларда меҳнат қилиш, ўз тақдирини яратиш, ҳаётимизни фаровонлаштириш иштиёқини ошираётир. Сўнгги йилларда эришилган натижалар бунинг далили. Вилоятимизда ялпи ҳудудий маҳсулот 1,4 баробар кўпайгани, аҳолининг реал даромади жон бошига 2,6 баробар ўсгани бугунги тинчосуда ҳаётимиздан мамнуният туйғуларини кучайтиради.

Биз шундай ёруғ, умидли туйғулар билан Янги йилга қадам қўйдик. Сайловолди учрашувида таъкидланганидек, бу вилоятимизнинг улкан салоҳиятини янада тўлароқ ишга солиш сари қўйилаётган қадамдир. У яқин йилларда вилоятимизнинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланишига, йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишига олиб келади.

Булар, ҳеч шубҳасиз, вилоятимиз иқтисодиётини янги босқичга кўтаради. Аввало, ўн минглаб янги иш ўринлари очилиб, ёшлар учун ўз иқтидорини намоён этиш доираси янада кенгаяди. Касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини битираётган навқирон кучлар шу тариқа бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошириш жараёнига бевосита қўшилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган муддатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида муайян натижаларга эришдик. Шу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни бугунги даражага кўтарди. Лекин биз қадам қўйган йил бу жараёнда ҳали мисли кўрилмаган кескин кўтарилиш палласини бошлаб бераётир. Биз бугун чин маънода буюк ўзгаришлар арафасида турибмиз. Ўз кучи ва салоҳиятига ишонган халқимиз, меҳнатсевар ва иқтидорли янги авлод ўз куч-ғайрати ва ташаббусини қўйилаётган қадамлар салмоқли, ишончли, самарали бўлишига бағишлайди, эркин, мустақил ва қудратли Ўзбекистонимиз дунё ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллашига ўз ҳиссасини қўшади.

Кириб келган янги йил руҳи шундай. Умидимиз шуки, у ҳар биримизнинг меҳнатимиз ва турмушимизда, ҳаётимизда қут-баракали йил сифатида салмоқли из қолдирсин.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

Сарҳисоб

## ЮТУҚЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**Ҳар йили Янги йил арафасида ўз фаолиятимизга баҳо берамиз, сарҳисоб қиламиз. Бу эса келажакда қиладиган ишларимизга, саъй-ҳаракатларимизга бир туртки бўлиши табиий.**

Аввало, 2007 – Ижтимоий ҳимоя йили мен учун шуниси билан қадрлики, халқимиз табиатига мос ва хос бўлган эзгу амалларга ошно бўлиб яшадиқ. Юксак маънавият, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бурчга садоқат каби бетакрор хусусиятлар яққол кўзга ташланиб турди. Президентимиз таклифи билан йилимизга берилган ном – «Ижтимоий ҳимоя» сўзи том маънода ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шунингдек, менинг ҳаётимда рўй берган муҳим бир ўзгариш – Тошкент вилоятининг меҳнаткаш, фидойи инсонлари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб ишлаш бахтига муяссар бўлганлигимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида пойтахт вилояти аҳлининг муносиб ҳиссаси борлигини Юртбошимиз ўзгача меҳр билан эътироф этганларида, қалбимиз фахр ва ғурурга тўлди:

– Тошкент вилоятида яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли, бағри кенг ва бунёдкор халқ айнан ана шундай эзгу фазилатлари билан бутун юртимизда обрў-эътибор қозониб келмоқда...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Мен буни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ҳам ишонч билан айта оламан. Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларда вилоят хотин-қизларининг ғайрат-шижоати, жонкуярлиги ўз исботини топди.

(Давоми 2-бетда).

## АЙЁМ МУБОРАК!

*Йўлимни ёритган онам деб атай,*
*Ғамимни ариттан отам деб атай,*
*Кел, сенинг бўйингта бўйтумор қадай,*
*Улуғроқ топмадим ўзингдан бўлак,*
*Эй азиз Ватаним, айём муборак!*

*Йилларким, Темурнинг йўлидан кеттан,*
*Қоқилса Навоий қўлидан тутган,*
*Эркини эгилмас ўғлидан кутган,*
*Боболар бағрини ўртаган тилак*
*Эй, азиз Ватаним, айём муборак!*

*Олтин бешикларда туғилган бахтим,*
*Орзулар боғидан йиғилган бахтим,*
*Яхшилар кафтида туғилган бахтим,*
*Сени қорачиқда асрамоқ керак –*
*Эй, азиз Ватаним, айём муборак!*

*Деҳқоним, зар бўлур тупроқ кўтарсанг,*
*Гул унар гар ердан япроқ кўтарсанг,*
*Қўлларинг кўксингда, юрт деб ўтарсан,*
*Пок кўнгил, заҳматкаш, эй толмас билак,*
*Эй азиз, Ватаним, айём муборак!*

*Тангри борар йўлинг этмишдир равон,*
*Шукурким, ошибсан яна бир довон,*
*Сен дилдан қувонгин, сен чиндан қувон,*
*Номинг дер кўксимда титраган юрак.*
*Эй, азиз, Ватаним, айём муборак!*

*Насиба АҲМАДЖОНОВА,*
*талаба.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЛОВЕНИЯ РАИСЛИГИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НОМИДАН БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизғин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

**Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши тизимида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 16 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказишга оид тадбирлар махсус дастур асосида давом этмоқда.**

Таъкидлаш жоизки, Ватан ҳимоячилари кунини ҳар йили кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан нишонлаш халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бирига айланди. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши тизимида ушбу сана олдидан оммавий-ватанпарварлик ойлиги эълон қилиниб, жойларда турли мавзуларда тадбирлар уюштириш ҳам одат тусини олди.

Хусусан, бу йил вилоят кенгаши республика Президентининг 2007 йил 30 ноябрдаги "Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги Фармойишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, барча қуйи ташкилотларга етказди. Дастурга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ойлигининг тантанали очилиш маросимлари уюштирилиб, уларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, ҳарбий қисмлар вакиллари жалб этилди.

Чирчиқ шаҳар автомобиль мактабида курсантлар учун "Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир" мавзусида маънавий-маърифий тадбир, Чирчиқ гарнизони офицерлари саройида ходимлар иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолати" мавзусида учрашув ташкил этилди. Унда сўзга чиққан фахрийлар курсантларга Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва моҳияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Офицерлар саройининг "Шон-шуҳрат музейи"га уюштирилган ташриф, аниқса, ҳаяжонли кечди. Ташриф чоғида музей мутахассислари курсантларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Тошкент ҳарбий округи тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар бердилар.

Ангрен автомобиль мактабида ташкил этилган тадбирда курсантлар шаҳар имом-хатибининг "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" мавзусидаги маърузасини мароқ билан тингладилар. Шунингдек, курсантлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш ҳамда кўпкураш мусобақалари ташкил этилди.

Янгийўл автомобиль мактабида Республика Президентининг мамлакатни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш, ҳарбий касбнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган асарлари, хусусан, "Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласида баён этилган фикр-мулоҳазалар асосида уюштирилган суҳбат иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда иштирокчиларга Қуролли Кучларни тузиш тарихи, унинг давлат миллий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича тушунчалар берилди.

– Барча шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ҳам жойларда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олишга бағишлаб, турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилмоқда, – дейди "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Аҳмаджон Хожиназаров. – Ўқ отиш, кўпкураш, тош кўтариш, арқон тортиш, турли масофаларга югуриш мусобақаларида юзлаб ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз маҳоратларини янада оширмоқдалар.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

2008 йил учун обуна давом этмоқда
"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
газетасининг индекси – 205.

